


БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ ДАВРДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

2 сентябрь куни Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг расмий делегациялар аъзолари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.



Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Хитой етакчиси ва дўст Хитой халқини Ҳалабанинг 80 йиллиги ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тяньзинь шаҳридаги саммити муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Ўзбекистон Президенти ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг глобал бошқарув бўйича ташаббуси ўз вақтида илгари сурилгани ва долзарб аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидлади.

Давлат раҳбарлари ўтган йиллар давомида икки томонлама муносабатлар ривожига катта ютуқларга эришилганини таъкидладилар. Барча даражалардаги алоқалар суръати ошиб бораётгани, сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб, муҳим

масалалар юзасидан томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

“Ягона Хитой” сиёсатини қўллаб-қувватлаш ҳамда “уч ёвуз куч” — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш масалаларида Ўзбекистоннинг позицияси ўзгармас экани тасдиқланди.

Савдо-иқтисодий, технологик ва молиявий-инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўтган йили товар айир-



бошлаш 14 миллиард доллардан ошди, йил бошидан эса яна 23 фоизга ўсди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзaro етказиб бериш орқали бу кўрсаткични 20 миллиардга етказиш вазифаси турибди.

Инвестиция лойиҳалари портфели 60 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. 2024 йилда умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ 64 та лойиҳа ишга туширилган. Мамлакатимиз ҳудудларида қўшма технопарклар ва махсус индустриал

зоналар фаолият юритмоқда, “BYD” электромобилларини ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда ва маҳаллийлаштириш даражаси оширилмоқда.

Ташриф арафасида бизнес-форум муваффақиятли ўтказилди. “Яшил” энергетика ва энергия самарадорлигини ошириш, жамоат транспортини модернизация қилиш ва рақамлаштириш, пуллик автомобиль йўлларини барпо этиш, муҳим минералларни чуқур қайта ишлаш, шунигингдек,

кимё, сув ва қишлоқ хўжалиги, туризм ва шаҳарсозлик соҳаларида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Эксимбанк, Хитой давлат тараққиёт банки, “Ипак йўли” жамғармаси ва бошқа институтлар билан кенг қўламли шериклик кенгаймоқда. Эксимбанк кўмағида яқинда Тошкентда Олимпия шаҳарчаси қуриб битказилди.

➤ Давоми 2-бетда

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Россия етакчиси давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини Мустақиллик куни билан самимий табриклаб, фаровонлик, барқарор тараққиёт ва раванк тилади.

Илгарироқ бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш

ҳамда мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик суръатини сақлаб қолишга қаратилган мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳим экани таъкидланди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга оширишни жадаллаштириш, ҳудудлар ўртасида ва ташкил этилган қўшма саноат

парклари доирасида кооперация алоқаларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Гуманитар соҳада, энг аввало, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларида самарали ҳамкорлик қилинаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎЗА

ЮКСАЛ, ЭЛИМ!

Ёдингдадир андуҳ тўла аллаларинг,
Бошгинангга бало пахта далаларинг,
Далаларда майиб бўлган болаларинг,
Бугун пахтадек толейи оқсан ўзинг,
Юксал, элим, бахти қулган халқсан ўзинг.

Ҳақ сўз айтиб, атрофга минг қарар эдинг,
Кун кўрмасдинг, нақ кунингни кўрар эдинг,
Яратгандан рўшноликлар сўрар эдинг,
Кунинг келди — ўз юртингда шохсан ўзинг,
Юксал, элим, соҳибфармон халқсан ўзинг.

Ҳақсизликка қадим дучор келган элсан,
“Ҳақ берилмас, ҳақ олинур” деган элсан,
Халқпарварнинг қадрин яхши билган элсан,
Бел боғладинг, улуг йўлда ҳақсан ўзинг,
Улуғини азиз тутган халқсан ўзинг.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА УСТОЗ-МУРАББИЙЛАРИГА

Қадри фарзандларим!
Хурмати устоз ва мураббийлар!
Муҳтарам ота-оналар!

Аввало, сиз, азизларни юртимиздаги 10 мингдан зиёд мактабларда Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллик байрамига уйғун ҳолда ўтаётган Билимлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу шукуҳли айёмда “Биринчи кўнги-роқ”лар жаранги остида илк бор мактаб оstonасига қадам қўётган 720 мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз ва набираларимизни, уларнинг ота-оналарини алоҳида кутлаб, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан гоят мамнунман.

Ҳеч шубҳасиз, кейинги йилларда бутун юртимиз каби мактабларимиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, улар том маънода Янги Ўзбекистон тимсолига айланиб бораётгани барчамизни чексиз қувонтиради. Чунки мактаб қанчалик обод ва чароғон бўлса, жамият ҳаёти шунчалик фаровон, мазмунли ва маърифатли бўлади.

Шу маънода, мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнлари тобора такомиллашиб бораётгани, ҳар йили кўплаб янги ўқув

масканлари барпо этилаётгани, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, мактаб иши умумхалқ ҳаракатига айланиши — кейинги даврда эришган энг катта ютуқларимиздан бири, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, кўзлари илмга ҳавас ва ҳаяжон билан чақнаб турган сиздек азму ши-жаътли ёшларимизга юксалиш ва камолот, бахт ва саодат эшикларини очиб берадиган муқаддас даргоҳ — мактабларимиз раванқида биз халқимиз, миллатимизнинг ёруғ келажагини кўрамыз. Бугунги кунда ўз олдимизга қўётган катта-катта мақсадларга эришишнинг асосий омили, бош қалитини, аввало, таълимда, мактабларимизда, деб биламиз.

Сўнгги йилларда ўқувчи ёшларимиз ҳурмати устоз ва мураббийлари билан биргаликда ана шундай юксак эътиборни чуқур ҳис этиб, ўқишда, ижодда, спортда, жамоат ишларида муҳим ғалабаларни қўлга киритаётгани бизга албатта қўшимча куч-ғайрат, илҳом ва ишонч бағишлайди.

Кўплаб мактаб битирувчилари мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртлири

билан бирга хориждаги етакчи универ-ситетларга юқори балл билан ўқишга ки-раётгани, ҳаётда ўз муносиб ўрнини то-пиб, Янги Ўзбекистон тараққиётига улкан ҳисса қўшаётгани ҳаётимизда мактабнинг, устоз-мураббийларнинг аҳамияти янада ортиб бораётганини кўрсатади.

Ишончим комил, сиз, азизлар ана шун-дай эзгу аъёнларни муносиб давом этти-расиз ва юксак босқичга кўтарасиз.

Ҳеч қачон унутманг, мактаб — бу мўъ-жиза, китоб, устозлар ўтадиган ҳар бир дарс — беқиёс хазинадир.

Олдингизга аниқ мақсад қўйиб, бор куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингиз билан ҳаракат қилсангиз, кўзлаган марра-ларга албатта етасиз.

Бу йўлда сизларга сиҳат-саломатлик, ютуқ ва зафарлар тилайман.

Янги ўқув йили барчангизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

➤ Давоми 3-бетда

ЎҚУВ ЙИЛИ “КЕЛАЖАК СОАТИ” БИЛАН БОШЛАНДИ

Ёзги таътил поёнига етди. 2 сентябрдан байрамона безатилган таълим муассасалари ўқувчиларга кучок очди. Биринчи кўнги-роқ чалинди. Тинчлик, фаровонлик ҳукм сўрган фараҳбахш юртда янги ўқув йили бошланди.



Бугун, 3 сентябрдан академик ли-цейларнинг барча босқич ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасаларининг 1-босқич талабалари машгулотларга киришади. Улар учун “Кредит таъ-лими тизимига кириш” ҳафталиги ва “Талабалика бағишлов” тадбирлари ташкил этилади. 8 сентябрдан эса олий таълим муассасаларининг бошқа курс талабаларига дарслар бошланади.

Бу йилги “Биринчи кўнги-роқ” тадбирларида умумтаълим мактаб-ларининг 1-синфига ўқишга қабул қи-линган 740 мингга яқин ўқувчига 12 номдаги ўқув қуролини жамланган “Президент совғаси” тантанали топ-шириди. Янги ўқув йили бошлани-ши муносабати билан Президентимиз

ўқувчилар, устоз ва мураббийларга табрик йўллади. Барча мактабда ушбу табрик ўқиб эшиттирилди. Табрик-даги “Чиндан ҳам, кўзлари илмга ҳавас ва ҳаяжон билан чақнаб тур-ган сиздек азму шижаътли ёшлари-мизга юксалиш ва камолот, бахт ва саодат эшикларини очиб берадиган муқаддас даргоҳ — мактабларимиз раванқида биз халқимиз, милла-тимизнинг ёруғ келажагини кўра-мыз. Бугунги кунда ўз олдимизга қўётган катта-катта мақсадларга эришишнинг асосий омили, бош қал-итини, аввало, таълимда, мактаб-ларимизда, деб биламиз.

➤ Давоми 3-бетда

БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ ДАВРДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Худудлараро алмашинувлар фаоллашгани юқори баҳоланди. Хитой тажрибаси асосида мамлакатимизда камбағалликка барҳам беришга қаратилган қўшма тадбирларни амалга оширишда экспертлик кўмаги давом эттирилади.

Инновацион лойиҳаларни илгари суриш ва мутахассислар тайёрлаш учун Ўзбекистон — Хитой сунъий интеллектни ривожлантириш марказини ташкил этиш таклиф қилинди.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” стратегик темир йўли қурилишининг амалий босқичи бошлангани мамнуният билан қайд этилди.

Илм-фан, тиббиёт, таълим ва туризм соҳаларидаги шериклики кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Мамлакатимизда Шимоли-ғарбий қишлоқ ва ўрмон университетининг филиали ҳамда Халқаро математика маркази очилди. Сиань нефть университети филиалини очиб тўғрисида битим имзоланди. Пекин технология институти филиалини очиб режалаштирилган.

Жорий йилда Ўзбекистонда иккинчи Таълим форуми ўтказилади. Хитой тилини ўрганишни кенгайтириш ва ўзбекистонлик ёшларни ўқитиш учун квоталарни кўпайтириш, Конфуций институтлари фаолиятини ривожлантириш қўллаб-қувватланди.

Мамлакатимиз худудларида энергетика, машинасозлик, сунъий интеллект, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги соҳалари учун мутахассислар тайёрлайдиган Ўзбекистон — Хитой “Лу Бань устаконалари”ни ташкил этиш кўзда тутилган.

Сайёҳлар алмашинуви ўсиши учун шариоит яратиш мақсидида авиақатновлар сони оширилмоқда, икки мамлакат ўртасида визасиз тартиб жорий этилди.

Шу кунларда Хитой Миллий музейидаги катта кўргазмада Ўзбекистон ҳам қатнашмоқда. 2027 йилда Шанхай ва Пекинда санъат кўргазмаларини ўтказиш режалаштирилган.

Ташриф доирасида Ўзаро маданият марказларини очиб тўғрисида тарихий битим қабул қилинади.

Учрашувда халқаро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди. Бирлашган

Миллатлар Ташкилоти, ШХТ, “Марказий Осиё — Хитой” формати ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасидаги мувофиқлашув ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон етакчиси Хитой раҳбарини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди. Учрашув ҳар доимгидек ишонч, очиқлик ва дўстлик руҳида ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган музокаралари якунида имзоланган икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди. Шу жумладан:

- “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва “Бир макон, бир йўл” ташаббусини ўзаро боғлаш бўйича ҳамкорлик дастури;
- Маданият марказларини ўзаро таъсис этиш тўғрисида битим;
- Тиббий хизматлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим.

Бундан ташқари, ташриф доирасида қуйидаги келишувлар ҳам имзоланди:

- Ўзбекистонга земснарядлар (техник кема) бериш лойиҳасининг иккинчи босқичини лойиҳалаштириш бўйича;
- техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида;
- мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- Ўзбекистондан Хитойга қовун ва бодом экспорт қилишда фитосанитария талаблари тўғрисида;
- космик фанлар, технологиялар ва космик фаолият натижаларидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида;
- рақобат сиёсати соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорликини мустаҳкамлаш бўйича;
- рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликини мустаҳкамлаш бўйича;
- Самарқанд вилояти ва Тяньцзинь шаҳри ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида;
- Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Хитой Халқаро савдога кўмаклашиш кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида.

Пекин шаҳрига расмий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Цян билан учрашуви бўлиб ўтди.

Кўп қиррали амалий ҳамкорликини, энг аввало, савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари ХХР Давлат кенгаши Бош вазири ва бутун Хитой халқини буюқ Ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тяньцзинь саммити муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Икки мамлакат етакчиларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон — Хитой муносабатлари янги даврда барча шароитларда стратегик шериклик ва кўп қиррали “етук” ҳамкорлик даражасига кўтарилгани таъкидланди.

Ўтган йили товар айирбошлаш 14 миллиард долларга етди ва барқарор ўсишда давом этмоқда. Бу кўрсаткични махсулот етказиб беришни кўпайтириш, экспорт ва импорт мутаносиблигини таъминлаш орқали 20 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги қайд этилди.

Шу мақсадда Ўзбекистонда стандартларни уйғунлаштириш ва махсулотларни Хитой талаблари асосида сертификациялаш учун қўшма Квант метрология маркази ва Минтақавий саноат стандартлаштириш марказини очиб таклиф қилинди.

Кўшма лойиҳалар портфели 60 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда.

Бу галги ташрифга тайёргарлик доирасида “яшил” энергетика, геология, кимё, ноёб металлари чуқур қайта ишлаш, кўмир кимёси, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва рақамлаштириш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, уруччилик, агровольтаика соҳаларида янги лойиҳа таклифлари шакллантирилди.

Илмий тадқиқотлар ва истиқболли стартапларни илгари суриш мақсидида Ўзбекистон — Хитой сунъий интеллектни ривожлантириш марказини ташкил этиш таклиф қилинди.

Хитойнинг етакчи банк-молия институтлари билан амалий ҳамкорликини кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Камбағалликка қарши курашиш бўйича махсус қўйи кўмита йиғилиши ва жорий йилда Ўзбекистонда ўтказилаётган иккинчи Худудлар форуми якунларига юқори баҳо берилди.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” стратегик темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича Ўзбекистон пулат ташкилотларини жалб этган ҳолда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу галги ташриф доирасида Маданият марказларини ўзаро очиб тўғрисида битим имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Чунцин шаҳрида илк бор Касб-ҳунар таълими форуми ўтказилди, ушбу йўналишда “Ўзбекистон — Хитой альянси” тузилди. Ўзбекистон худудларида “Лу Бань устаконалари” очилади.

Тошкент ва Самарқанддаги Конфуций институтлари самарали фаолият юритаётгани таъкидланди.

Томонлар авиақатновлар сонини янада кўпайтириш ва сайёҳлар алмашинувини фаоллаштириш муҳимлигини қайд этдилар. Якунда Президентимиз ХХР Давлат кенгаши Бош вазирини расмий ташриф билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари Хитойга расмий ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда “China Gold”, “China Coal Resources”, “China Datang Corporation”, “Tianjin Rail Transit Group”, “Poly Changda”, “Tianjin Urban Construction”, “Jinchuan Group”, “China Synfuels”, “Jinchuan”, “ST Wonderful”, “Mizuda”, “World Agriculture”, “Dongzhu Ecology” ва бошқа компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз Хитой бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши ҳар доимгидек юқори эканлини мамнуният билан қайд этди. Ўтган йилнинг ўзида инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошди.

Учрашувда энергетика, геология, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, кимё, заргарлик саноати, жамоат транспортини модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш ва туризм соҳаларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хитойга расмий ташрифининг ишбилармонлик

дастури доирасида “China National Building Materials” (CNBM) компанияси директорлар кенгаши раиси Чжао Юйсяни қабул қилди.

Хитойнинг CNBM компанияси қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш, муҳандислик-техник ечимларни тақдим этиш бўйича энг йирик конгломератлардан бири сифатида дунё компанияларининг ТОП-500 талигига қиради.

Учрашувда компания томонидан насос станцияларини модернизация қилиш, шомол ва қуёш электр станциялари, энергияни сақлаш тизимларини қуриш, муқобил энергетика объектлари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалари кўриб чиқилди. Хитой компаниясининг юртимиз саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича дастурда иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилди.

Эришилган келишувларни жадаллаштириш ва амалга ошириш учун алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилиш топирилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари “China National Petroleum Corporation” (CNPC) компанияси директорлар кенгаши раиси Дай Хоуяньни қабул қилди.

Хитой миллий нефть-газ корпорацияси углеводород хомашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича юқори технологик лойиҳаларни мамлакат ичида ва ташқи бозорларда амалга оширишга ихтисослашган дунёнинг энг йирик энергетика компанияларидан биридир. Компаниянинг бозор капиталлашуви 200 миллиард доллардан зиёд.

Учрашувда CNPCнинг мамлакатимизга қиритган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 5 миллиард доллардан ошгани таъкидланди.

Хитой компанияси билан инвестициявий ҳамкорлик портфелини кенгайтириш ва ер ости табиий газ сақлаш иншоотларини қуриш, инфратузилмани модернизация қилиш, замонавий метрологик стандартлар ҳамда инновацион ечимларни жорий қилиш лойиҳаларини илгари суриш режалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Пекин шаҳрига ташрифи доирасидаги ишбилармонлик учрашувларининг навбатдагиси “China National

Nuclear Corporation” (CNNC) раиси Шэн Яньфень билан бўлди.

Хитой миллий ядро корпорацияси фуқаролик ядро дастурлари соҳасидаги энг йирик давлат корхонасидир. Компания уранин қидириш ва бойитишдан тортиб, Хитой ва хорижда атом электр станцияларини қуриш-гача бўлган лойиҳаларнинг тўлиқ занжирини амалга оширади.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари “CNNC” раиси ва жамоасини Хитой атом саноатининг 70 йиллиги билан кутлади.

Мулоқот давомида Ўзбекистонда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Хитой компаниясининг замонавий технологиялар трансфери ва уран конларини ўзлаштиришдаги иштироки, истиқболли майдонларда геология-қидирув ишларини олиб бориш, шунингдек, тинч атом соҳасида кооперацияни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хитойга расмий ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Henen Investment Group” компанияси бош директори Чжау Хуньбин билан учрашув ўтказди.

Хитойнинг энергетика ва инфратузилмани ривожлантириш соҳасидаги етакчи компанияларидан бири бўлган “Henen Investment” қурилиш, саноат, энергетика, экология ва соғлиқни сақлаш соҳаларида лойиҳаларни амалга оширмоқда. Компания активлари 50 миллиард доллардан зиёд.

Ўзбекистонда кўмир конларини ўзлаштиришда илгор технологик ечимларни жорий қилиш, замонавий электр станциялари, энергия сақлаш тизимларини лойиҳалаштириш ва қуриш, биомасхулотлар ишлаб чиқариш, қиқиндиқларни қайта ишлаб, тоза энергия ишлаб чиқариш бўйича кооперация лойиҳаларининг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Хитой компанияси иштирокидаги лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш учун алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилиш бўйича топириқ берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

31 август — 1 сентябрь кунлари Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарларининг 25-кенгаши ва “ШХТ плюс” форматидаги саммит бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кўп томонлама тадбирлардаги нутқларида ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликини чуқурлаштириш ва амалий алоқаларни — иқтисодиётдан гуманитар соҳагача кенгайтиришга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Ривожлантаётган кўп қутбли дунёда ташкилот ролини ошириш масалалари муҳокама қилинар экан, халқаро экспертлар бундай ташаббусларни ўз вақтида ва самарали, ШХТ ривожига ва унинг доирасидаги ҳамкорликка қўшимча суръат бағишлашга қодир деб баҳоламоқда.

Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис (Испания):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган ШХТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги мазмунли ва серқирра нутқи ҳамда ундаги ҳар бир таклифи нафақат декларатив, балки амалий характерга эга бўлиб, ҳамкорликини мустаҳкамлаш ва ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

Биринчидан, Ўзбекистон Президентининг хавфсизлик соҳасидаги ташаббусларини алоҳида таъкидлаш керак. ШХТнинг Ядро хавфсизлиги бўйича декларациясини қабул қилишга чақириқ Ўзбекистоннинг глобал барқарорлик масалалари бўйича масъулиятли позициясини акс эттиради. Бу нафақат БМТ шафелигида ядровий қуроолларни тарқатмаслик режимини мустаҳкамлайди, балки барқарор тараққиёт мандфаатлари йўлида тинч атом энергетикасини ривожлантириш учун замин яратади. Бундан ташқари, “ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи фаолиятини қайта тиклаш таклифи стратегик аҳамиятга эга. Ушбу мулоқот гуруҳи ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма ёндашувларни ишлаб чиқиш ва афғон жамияти билан мулоқот қилиш имконини беради, бу эса, шубҳасиз, минтақанинг умумий хавфсизлигига таъсир қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — ШХТ ИСТИҚБОЛИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Халқаро экспертлар Ўзбекистон Президентининг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасидаги тадбирлардаги нутқлари ҳақида



Иккинчидан, иқтисодиёт ва инновациялар соҳасидаги таклифлар катта аҳамият касб этди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муҳим материаллар минтақавий маркази, энергетика консорциуми ва венчур компаниялар тармоғининг ташкил этилиши илмий-техникавий тараққиётнинг тубдан янги истиқболларини очди. Бу қадмлар ШХТни ҳақиқий саноат кооперацияси ва технологик ютуқ платформасига айлантиради. “ШХТ Ягона транспорт маконини” шакллантириш ва уни “Бир макон, бир йўл” ташаббуси билан уйғунлаштиришга қаратилаётган эътибор минтақанинг логистикавий ўзаро боғлиқлигини узокни қўзлаб тушунишни акс эттиради ва савдонинг барқарор ўсиши учун замин яратётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Учинчидан, гуманитар ҳамкорлик соҳасидаги ташаббуслар ҳам жуда муҳим. Халқаро халқ ижодиёти фестивалини ўтказиш, “ШХТ университети”нинг онлайн-кампусини ишга тушириш, сайёҳлик йўлагини ривожлантириш гоғлари эътирофга лойиқ, Булар “халқ дипломатияси” институтини мустаҳкамловчи, билим, маданий бойликлар алмашинуви учун шарт-шароит яратувчи ва иштирокчи давлатлар ўртасида чинакам ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантирадиган лойиҳалардир.

Президент Шавкат Мирзиёев нутқида халқаро вазиятнинг чуқур таҳлили ва амалий ечимлар узвий мужассамлашганини алоҳида таъкидламоқчиман. У замонамизнинг асосий муаммолари — ўзаро ишонч инқирози, кўп томонлама институтларнинг заифлашуви, жаҳон иқтисодиётининг парчалалишини тўғри белгилаб берди ва уларни бартараф этишнинг аниқ йўллари таклиф қилди.

Шу тарикада Ўзбекистон Президенти узокни кўра олиш, сиёсий етуклик, адолат ва ҳамжиҳатлик гоғларига садоқатини намоян этди. Унинг ташаббуслари нафақат ШХТнинг асосий халқаро ташкилот сифатидаги нуфузини мустаҳкамлаш, балки бутун Евроосиё маконини ривожлантиришнинг янги йўналишларини белгилашга қодир.

Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академияси Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ходими:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг изчил, манتيқий ўзаро боғлиқ сиёсати ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам ижобий натижаларга эриштиш имконини берди. Бунинг натижасида ШХТ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисларида сўзлаган нутқларида ҳам кўришимиз мумкин.

У Тяньцзинда Ўзбекистоннинг муаммоларни биргаликда ҳал этишга қаратилган ва ривожланиш истиқболларини яқол намоян қилган ташаббусларини илгари сурди.

Ўзбекистон етакчиси, аввало, ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларда “Шанхай руҳи” мавжудлигини буюқ Конфуцийнинг “Ўзингни қарор топтириш, бошқаларга ёрдам бериш, муваффақиятга интилиш, бошқаларнинг муваффақиятига ҳисса қўиш”

Саид ЭЛБАННА, Қатар университети қошидаги Тадбиркорлик ва ташкилий маҳорат маркази директори:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Раиси Си Цзиньпин таклифига биноан Хитойга расмий ташрифи, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган мажлиси ва “ШХТ плюс” форматидаги саммитида иштирок этиши эксперт ва таҳлилий доиралар томонидан стратегик аҳамиятга эга воқеа сифатида баҳоланмоқда.

Қатар университетининг бизнес соҳасидаги мутахассиси сифатида ишонч билан айта оламаники, Ўзбекистон Президентининг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган “ШХТ плюс” саммитидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратиш керак деб ўйлайман. Ушбу формат ШХТнинг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан мулоқотини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг транспорт йўлаклари, озиқ-овқат хавфсизлиги ва “яшил” энергетика соҳасидаги ташаббусларини

“Президент Шавкат Мирзиёев замонавий иқтисодиётнинг ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, яна бир муҳим устувор йўналиш — ШХТ доирасида “яшил” трансформациялаш соҳасидаги шерикликини кенгайтиришга эътибор қаратди.



деган қимматли сўзлари орқали тасдиқлади. Жаҳондаги хавфсизлик масалаларига тўхталиш, ШХТнинг ядровий хавфсизлик йўлида кўп томонлама шерикликини мустаҳкамлаш



илгари суриш учун имкониятларни очиб бериш шубҳасиз.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга ташрифи ХХР билан стратегик шерикликини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал жараёнлардаги ролини оширишга хизмат қилади.

декларациясини қабул қилишни таклиф қилган Президент Шавкат Мирзиёева муаммоларга глобал ёндашни ҳамшира хосдир.

Жаҳон иқтисодиётдаги мавжуд тенденциялар фониди Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорликини ривожлантиришга катта аҳамият қаратмоқда. Ўзбекистон раҳбари, аввало, ШХТ улкан маконининг транспорт-транзит салоҳиятидан “Шимол-Жануб” ва “Шарқ-Ғарб” йўналишларида фойдаланиш муҳимлигига эътибор қаратади. Шу билан бирга, Форс кўрфазини ва Ҳинд океани портларига чиқиш имкониятига эга Марказий Осиё худуди орқали жанубий йўналишда йўлақларни ривожлантиришга ургў берилади.

Президент Шавкат Мирзиёев замонавий иқтисодиётнинг ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, яна бир муҳим устувор йўналиш — ШХТ доирасида “яшил” трансформациялаш соҳасидаги шерикликини кенгайтиришга эътибор қаратди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тяньцзиндаги саммити якуни сифатида Тошкентда ШХТ МАТТ негизида доимий фаолият юритувчи орган — аъзо давлатлар хавфсизлигига хавф ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича Универсал марказни ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Унинг қошида ШХТ Халқаро хавфсизлиги маркази ҳам ташкил этилмоқда.

“Дунё” АА

**Муножат МУМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири


Юртдошларимизни ягона мақсад йўлида бирлаштираётган йирик лойиҳа — “Ташаббусли бюджет”нинг жорий йилги 2-мавсуми ҳам нихоясига етди. Лойиҳанинг 22-31 август кунлари давом этган овоз бериш босқичи, айниқса, қизғин кечганига гувоҳ бўлдик. Овоз берувчилар ҳам, тарғиботчилар ҳам доимгидек фаоллик кўрсатди. Нихоят, 1 сентябрь — давлатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги санасида ғолиб лойиҳалар эълон қилинди.

Бу байрамона кайфиятга кўтаринкилик бағишлаб, халқимизни энг улуг, энг азиз айёмда янада бирлаштирди. Ғолиблар рўйхати “Очиқ бюджет” порталида эълон қилинган, ютиб чиққан лойиҳалар ташаббускорлари галабани карнай-сурнай садолари остида рақсага тушиб нишонлади. Ижтимоий тармоқлар кузатувчилари ҳам уларнинг қувончига шерик бўлиб, ақинлари, маҳалладошлари, қўйингки, шу Ватан тараққиётига ҳисса қўишини мақсад қилган ҳар бир юртдошини самимий қутлади.

Бойси, “Ташаббусли бюджет” бутун чин маънода халқни бир мақсад атрофида бирлаштираётган ижтимоий ҳаракатга, одамларнинг ўзаро яқинлиги рамзига айланди. Ўз ҳудудидаги муайян муаммо ечимини йўлида яқин ҳаракат қилаётган аҳоли хурсандлигини ҳам бирга нишонламоқда. Энди улар таклиф этган лойиҳа учун давлат бюджетидан белгиланган маблағ ажратилади. Бунинг ортидан йўллар таъмирланади, янги бино-иншоотлар қурилади, эскириб қолган ижтимоий соҳа объекллари таъмирланади.

Лойиҳа бошлангандан бугунгача шундай бўлиб келяпти — одамлар ўз ҳудудидаги бирор муаммони лойиҳа сифатида таклиф этади, ғолиб топилса, ажратиладиган маблағ эвазига масала ечилади. Аҳамиятлиси, маблагнинг тўғри йўналтирилиб, охирига етишини ҳам одамларнинг ўзи назорат қилияпти. Шу сабаб лойиҳага ишонч ҳам, қизиқиш ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Талабгорлар ва ташаббуслар сони ҳам шунга яраша.

“Ташаббусли бюджет”нинг жорий йилги 2-мавсумига 15 июлда старт берилган эди. Бир неча босқичда давом этган лойиҳанинг бу ғалги мавсумида 11 миллиондан ортиқ овоз берилди. Иқтисодиёт ва молия



“Ғолибликни қўлга киритиш осон бўлмаганини иштирокчилар яхши билади. Ижтимоий лойиҳа кўлами кенгайгани сари таклиф ва ташаббуслар ҳам кўпайиб, рақобат кучайиб бораётир. “Ташаббусли бюджет”нинг жорий йил 2-мавсумида 22 минг 623 та таклиф келиб тушгани, шундан 18 минг 656 таси саралаш босқичидан ўтказилгани бунинг исботи. Сўнгги овоз бериш босқичидан кейин эса 2332 та лойиҳа ғолиб деб топилган.

Илк марта сабзавotchилик йўналиши бўйича фермер хўжалиги ташкил этганимда кўпчилик ажабланганди. Бойси, қишлоқдаги деярли барча хонадонларда ўзлари сабзи-пиёздан тортиб помидоргача етиштиради. Камдан кам ҳолларда бозордан полиз маҳсулотларини сотиб олади. Шунга бўлса керак, биз томонларда бирор фермер хўжалигида бундай экинлар экилмаган. Асосан, пахта ва ғаллага ихтисослашган. “Эртанги кунда хўжаликда етиштириладиган сабзавотларни бу атрофдаги аҳолига сотиш муаммо бўлади”, дея айримлар бу йўлдан қайтармоқчи ҳам бўлди. Аммо режаларим катта ва ишончли эди. Шу боис, ортга қайтишни хаёлимга ҳам келтирмаганман.

Дил изҳори

Шерзод МАХМАТМУРДОВ,
Қамаши туманидаги “Нурманова Хуршида” сабзавotchилик фермер хўжалиги раҳбари,
“Шухрат” медали соҳибни

ИККИНЧИ МАВСУМ ҒОЛИБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Жорий мавсумдаги яна бир эътиборли жиҳат — айрим лойиҳаларга овоз бериш босқичи белгиланган санада эмас, балки кечроқ ўтказилди. Масалан, Олтинкўл ва Улуғнор туманларида саралашдан ўтган лойиҳаларга овоз бериш 29 августдан бошланди.



ларсиз ўтганини кўплаб юртдошларимиз кузатган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, лойиҳа доирасида мажбурий овоз беришга жалб этиш масаласи ҳам жиддий назоратга олинди. Бундай ҳолатлар тўғрисида хабар бериш учун ишонч телефони ишга туширилди. Бу ҳақда Иқтисодиёт ва

Мажбурийлик аниқланган лойиҳалар чеглатилди

“Ташаббусли бюджет” ҳақиқатан одамларни бирлаштиради. Масалан, маҳалламиздаги бирор киши барчамизга тегишли масалани лойиҳа сифатида таклиф этар экан, унга бефарқ қараб тура олмаймиз. Ўз ҳудудимиз учун овоз беришга интиламиз. Аммо бир маҳалла аҳолиснинг овози етарли бўлмаслиги мумкин. Шунда яқинларимиз, таниш-билишларимизни ҳам хайрли ишга тарғиб қиламиз. Бир қарашда бунинг ёмон томони йўқ. Бироқ...

Ҳатто “Ташаббусли бюджет”нинг овоз бериш босқичи бошланиши билан овоз беришнинг турли усулларидадан фойдаланиш ҳолатларига дуч келишга ўрганиб қолганмиз. Ҳар бир овоз учун нимадир очик-ойдин таклиф қилинади. Лойиҳанинг ўтган йиллардаги мавсуми бу борада эътирозларга сабаб бўлган эди. Кўпроқ овоз тўпلاшга уриниш табиий ҳол, бироқ бу интилиш мажбурий овоз беришга ундаш, ноқонуний хатти-ҳаракатларга сабаб бўлмаслиги лозим.

Лойиҳа такомиллаштирилгани сари бундай ҳолатларга чек қўйиш чоралари ҳам кучаймоқда. Масалан, 2024 йилдан “Бир фуқаро — бир овоз” тамойили жорий этилди. Бу фуқаронинг номидан нечта SIM карта бўлса ҳам бир мавсумда фақат бир марта овоз бера олишини аниглади. Шу каби қатор чоралар натижаси жорий йилги мавсумда сезилди. Гап шундаки, овоз бериш босқичи бу ғалачча тартибли, ортқича муаммо ва эътироз-

мажбурий овоз беришга жалб этиш эса мажбурий меҳнат сифатида таснифланиши белгиланган ва бунга жиддий чоралар қўрилади.

Масалан, “Ташаббусли бюджет”нинг жорий йилги 2-мавсуми учун овоз бериш жараёни давомидида ижтимоий тармоқларда Жиззах давлат педагогика университети ҳамда Қи-



молия вазирлиги интернет орқали зарур маълумотларни тақдим этиб борди. Президентимизнинг тегишли қарори билан ташаббусли бюджетлаштириш жараёни доирасида бюджет ташкилотларининг раҳбарлари ҳодимларга мажбурий овоз йиғиш бўйича топшириқ бериши тақиқланади. “Ташаббусли бюджет” жараёни доирасида

зилтепа туманидаги тиббиёт ташкилотларида ҳодимларни мажбурий овоз беришга ундаш ҳолатлари юзасидан хабарлар тарқалди. Мутасаддилар вазиятни безътибор қолдирмаган. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хабарига кўра мазкур ҳолатни атрофлича ўрганиб чиқиш ҳамда ҳолат ўз тасдиқини топса овоз бериш босқичидан четлатиш ёки лойиҳа

қилади. Кейинги йилдан яна иш ўринлари очилади. Сабаби қўшимча жойларга экин экиш ишлари бошлаб юборилади. Бундан ташқари, яна бир қатор янги лойиҳаларни амалга оширишга бел боғлаганимиз. Яқинда тадбиркорлар куни муносабати билан давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида кўра юксак мукофот — “Шухрат” медали билан тақдирландим. Бундан кўксим тоғдек юксалди. Қилган меҳнатларим учун катта рағбат бўлди, десам муболаға бўлмаса керак.

Рости, қувончим ҳалигача ичимга сигмапти. Кўксимга тақилган медалга қараб, бошқалар ҳавас-ла боқгани бу — фахр. Бир вақтлар баъзиларнинг маслаҳатига

ғолиб деб топилса, ғолиблар рўйхатидан чиқариш юзасидан тегишли туман халқ депутатлар кенгашига тақдимнома юборилган.

Жорий мавсумдаги яна бир эътиборли жиҳат — айрим лойиҳаларга овоз бериш босқичи белгиланган санада эмас, балки кечроқ ўтказилди. Масалан, Олтинкўл ва Улуғнор туманларида саралашдан ўтган лойиҳаларга овоз бериш 29 августдан бошланди.

Гап шундаки, аввалроқ ушбу туманларда лойиҳалар асоссиз рад этилгани бўйича эътирозлар бўлган. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан юборилган сўровлар асосида лойиҳалар қайта кўриб чиқилган, Олтинкўл тумани фуқаролари таклиф этган 116 та лойиҳанинг 93 таси, Улуғнор туманидан эса 73 та лойиҳанинг 57 таси овоз бериш босқичига ўтказилган.

Шунингдек, айрим маҳаллаларга жорий мавсумда танаффус берилганди. Яъни “Ташаббусли бюджет” жараёнининг 2024 йил 2-мавсуми ҳамда 2025 йилнинг 1-мавсумида (иккита мавсумда кетма-кет) ғолиб бўлган маҳаллаларга жорий йилги 2-мавсум ва 2026 йилнинг 1-мавсумида танаффус берилган. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотида кўра танаффус эълон қилинган маҳаллалар сони 823 та бўлиб, улар белгиланган муддатда таклиф кирита олмаса-да, овоз бериш босқичида тўлиқ иштирок этиши мумкин. Яъни ўзига яқин ёки қўшни маҳаллаларга овоз тўплашда қўмаклашиш имкони мавжуд.

Энди овоз берилмайдими?

“Ташаббусли бюджет” кўлами тобора кенгайиб борапти. Шу боис, лойиҳага эътибор ҳам, такомиллаштиришга уринишлар кўлами ҳам катта. Гап Президентимизнинг жорий йил 29 августдаги “Ташаббусли бюджет жараёниларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорлини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳақида борапти.

Мазкур қарор билан “Ташаббусли бюджет” доирасида қатор янгиликлар киритилиши белгиланган. Улардан бири “Депутатлар ташаббуси” амалиётини жорий этишдир. Энди “Ташаббусли бюджет” доирасида ғолиб бўлмаган лойиҳаларни депутатлар ташаббусига кўра ғолиб деб эълон қилиш мумкин. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар мавсумда ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан иккитасини “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали танлайди. Ушбу лойиҳалар автоматик тарзда ғолиб деб топилиб, давлат бюджетидан молиялаштирилади. Порталда депутат ташаббуси асосида молиялаштирилган лойиҳалар учун алоҳида саҳифа очилиб, шу турдаги барча лойиҳаларнинг жамоатчилик учун очик рўйхати юритилади.

Қарор билан кучга кирган яна бир янгилик, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаларини аҳоли ва давлат ўртасида шерикчилик асосида молиялаштириш имконияти яратилгани билан боғлиқ. Унга кўра 2026 йилдан бошлаб ижтимоий масалаларга оид лойиҳаларни аҳоли ва давлат ўртасида шерикчилик асосида молиялаштириш тартиби жорий этилади. Агар ташаббускор аҳоли томонидан лойиҳалар қийматининг 50 фоиз қисми ихтиёрий равишда молиялаштирилса, лойиҳа автоматик тарзда ғолиб деб топилади ва қолган 50 фоизи давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Лойиҳалар ушбу тартибда молиялаштирилганда овоз беришда иштирок этмаган ҳолда ғолиб деб топилади. Ушбу банд аҳоли орасида “Энди “Ташаббусли бюджет”да овоз бериш амалиёти бўлмас экан” деган нотўғри фикрларни ҳам юзга келтирмоқда. Масала юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий муносабат билдирди: “Амалдаги “Ташаббусли бюджет” доирасида лойиҳаларга овоз тўплаш ва энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар орасидан ғолибларни аниқлаш амалиёти сақлаб қолинади ҳамда ушбу йўналиш учун ҳар йили давлат бюджетидан тегишли маблағ ажратилиши давом эттирилади. Қабул қилинган қарор билан мазкур амалиётга қўшимча равишда фаол маҳаллалардан келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда лойиҳаларни шерикчилик асосида молиялаштириш тартиби жорий этилади. Бу ихтиёрий амалиёт бўлиб, лойиҳаларини шерикчилик асосида молиялаштирмаган маҳаллалар аънаъанвий тарзда “Ташаббусли бюджет” жараёнида овоз тўплаган ҳолда иштирок этишлари мумкин”.

Жорий этилаётган янги тартиб амалиётда қанчалик тез оммалашини вақт кўрсатади. Асосийси, одамларнинг “Ташаббусли бюджет”да фаол иштирок этиб, ўз ҳудудидаги муаммоларни биргаликда ҳал этишга интилаётганидир. Лойиҳанинг жорий йилги 2-мавсуми “Ташаббусли бюджет — халқ бюджети” шiori остида ўтгани замирида ҳам шу маъно муҳжасам.

кириб, бошлаган ишимдан ортга чекинмаганимга шукр қилдим. Аслида, меҳнат қилган роҳат кўради деб бежиз айтишмаган. Бунинг ўзим амалда кўрдим.

“Юрт равнақи, иқтисодиётимиз юксалиши йўлида қилинган ҳеч бир ҳаракат бесамар кетмас экан. Меҳнатларим эвазига берилган мукофот янги марралар сари одимлашга ундади. Эндиликда янада масъулият билан дадил ҳаракат қилмасак бўлмайди. Ишончини оқлаш истаги фақат олдинга интилишимга туртки бўлиши шубҳасиз.



АГРАР СОҶА РИВОЖИ

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ва барқарор тараққий эттириш учун халқаро стандартлар асосида креатив фикрлайдиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланган.



Нарзullo ОБЛОМУРОВОД,
Тошкент давлат аграр университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Президентимизнинг 2023 йил 7 июлдаги “Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорлиқни оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг “Аграр таълим тизимининг 2030 йилгача инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари асосида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш ва унинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, кафолатли меҳнат бозорини шакллантириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги олий таълимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари белгиланган.

Экспертлар фикрича, малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, аввало, таълим йўналишлари ва мутахассислар бўйича тегишли малака талабларини халқаро қабул қилинган ўқув дастурлари ҳамда стандартлари асосида такомиллаштиришни тақозо этади. Бу жараёнда нуфузли ОТМларнинг 300 талиги рейтингидан ўрин олган Токио университети (Япония), Мичиган давлат университети (АҚШ), Вагенинген университети (Нидерландия) каби етакчи олий таълим муассасалари ўқув дастурлари таҳлил қилиниб, Тошкент давлат аграр университетининг 30 та бакалаврият таълим йўналиши ҳамда 59 та магистратура мутахассислиги малака талаблари ва ўқув дастурлари илгор халқаро стандартларга мослаб қайта ишланган.

Аграр соҳада олий таълим сифатини таъминлаш, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини етакчи корхона ва ташкилотларда ташкил этиш, меҳнат ярмаркалари ўтказиш ҳамда ишга жойлашишга қўмаклашиш бўйича маслаҳат хизматларини жорий қилиш университети битирувчиларини замонавий меҳнат бозори талаблари асосида тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда тизим ташкилотлари, аграр соҳада фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар билан малакали мутахассислар тайёрлаш ва бандлигини таъминлашга қаратилган 200 дан ортиқ ҳамкорлик шартномаси тузилди.

Ўз навбатида, иш берувчи ташкилот ва корхоналар иштирокида университет битирувчилари учун мунтазам “Карьера кўни” меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Жорий ўқув йилида бакалаврият ва магистратура босқичининг 2500 битирувчиси иштирокида иш берувчилар билан меҳнат ярмаркалари ва суҳбатлар уюштирилиб, битирувчиларни ишга жойлаштириш юзасидан уч томонлама шартномалар имзоланди.



бितिрувчилари реал иқтисодиёт эҳтиёжларига жавоб бериши керак. Ёшлар ўз йўлини топиб, билим ва маҳорати билан юртимиз тараққиётига ҳисса қўиши зарур.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 14 февралдаги “Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишга қўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида олийгоҳларда битирувчиларнинг касбий қўникмаларини бозор талабига мос шакллантириш, уларнинг бизнес гоёларини қўллаб-қувватлаш ва ишга жойлашишга қўмаклашиш борасида янги тизим йўлга қўйилди. Тошкент давлат аграр университетига мазкур қарор ижроси доирасида “Келажака қадам” маркази ташкил этилди. Бу марказда талабаларнинг стартап гоёлари шакллантирилиб, бизнес-режалар тузиши ва амалга ошириши ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.



Ҳозирга қадар университет талабалари томонидан 78 та бизнес гоё ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг 30 дан ортиғи молиялаштирилди. Лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 3 миллиард 221 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бу, ўз навбатида, талабалар бандлигини таъминлаш билан бирга аграр соҳада янги иш ўринлари очилишига хизмат қияпти.

Кенг қўламли бунёдкорлик ишлари

Янги Ўзбекистон шароитида таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий натижасини Тошкент давлат аграр университетидаги кенг қўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишларида аққол кўриш мумкин. Қиска муддатда университет ҳудуди катта қурилиш майдонига айланди. Янги ўқув корпуслари, лаборатория ва ётоқхоналар қад ростланмоқда. Университет ҳудудидаги 4 қаватли 1500 ўринга мўлжалланган ўқув биноси реконструкция қилинди, 10 та замонавий лаборатория қайта ташкил этилди, 5 қаватли 1380 ўринли янги, замонавий ўқув биноси, 500 ўринли маъруза заллари қурилиши якунига етказилмоқда. Шу билан бирга, факультет бинолари, талабалар турар жойлари фасадини янгилаш, маъруза залларини капитал таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш ишлари бажарилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида давлат-хусусий шериклик асосида 550 ўринли замонавий талабалар турар жойи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ёш олимлар ва ходимларнинг

“**Ҳозирга қадар университет талабалари томонидан 78 та бизнес гоё ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг 30 дан ортиғи молиялаштирилди. Лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 3 миллиард 221 миллион сўмни ташкил этмоқда.**”

маҳаллий навлари экилиб, Шолчилик илмий-тадқиқот институти олимлари билан бирга маҳаллий шароитда тажрибалар ўтказилмоқда.

Ҳамкорликнинг янги босқичлари

Университетнинг 200 га яқин профессор-ўқитувчиси академик мобиллик дастурлари, халқаро амалиёт ва малака ошириш курсларида иштирок этиш мақсадида Хитой, Россия, Малайзия, Жанубий Корея, Польша, Туркиянинг нуфузли олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотларига юборилди. Германия, Польша, Туркия, Малайзия, Жанубий Корея, Хитой ва Россиянинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг 30 дан ортиқ профессори университетдаги машгулотларга жалб этилди. ОТМнинг 20 талабаси Хитой таълим грантини қўлга киритиб, бир йил давомида академик алмашинув дастури асосида таҳсил олиш учун Анхой қишлоқ ҳўжалиги ва Шинжон қишлоқ ҳўжалиги университетларига юборилмоқда. Шунингдек, университетнинг 4 талабаси Италиянинг нуфузли Туша университетида магистратура босқичида таҳсил олиш учун, яна 2 талабаси эса Эрасмус+ лойиҳаси алмашинув дастури доирасида ўқиш учун таълим грантини қўлга киритган. 2025 йилда 152 талабамиз Хитой, Польша, Германия, Болгария каби мамлакатлардаги ҳақ тўланадиган ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётига юборилди. Ушбу йўналишдаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш учун Греция, Венгрия ва Хорватияда талабалар ама-

Таълимнинг халқаро аккредитациядаги иштироки

Университетда таълим сифатини ошириш ва халқаро мезонларга мослаштириш йўлида ана бир муҳим қадам қўйилди. Жорий йил 27 июнда Германиянинг нуфузли ASIIN халқаро аккредитация агентлиги томонидан 60810900 — агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари), 60811000 — ўсимликлар қарантини ва химияси, 60811300 — қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишлари халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтгани тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва университетнинг таълим, бошқарув ва илмий фаолияти халқаро стандартларга жавоб бериши тасдиқланди. Аккредитация сертификати 5 йилга берилган бўлиб, бу таълим йўналишларига дипломнинг халқаро миқёсда тан олинishi, хорижий талабаларни жалб қилиш, халқаро грантлар ва дастурларда иштирок этиш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини кенгайтириш, битирувчиларнинг халқаро меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш имкониятини бермоқда.

Йирик новаторлик маркази

Сўнгги йилларда тажриба ҳўжалигидаги илмий изланишлар доирасида 50 дан ортиқ ихтирога патент олинди. Жумладан, юқори ҳосилили, турли тупроқ-иқлим шароитига мослашган гўза, галла, мева-сабзавот экинларининг янги нави яратилди ва истикболли хориж навлари маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослаштирилди. Масалан, жорий йилда Хитойнинг Шимоли-ғарбий қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги университети билан ҳамкорликда Хитойда яратилган олманинг учта нави интродукция қилинди ва боғлар барпо этилди. Хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда ушбу навларнинг республикамиз тупроқ-иқлим шароитига мослашиши ўрганилиб, уларни парваришлашнинг замонавий агротехнологияси ишлаб чиқилмоқда. Янги олма навлари ҳосилдорлиги, ташмишга яроқлилиги, узоқ вақт сақланувчанлиги, мевасининг сифат кўрсаткичлари юқорилиги билан ҳам бошқа навлардан ажралиб туради. Ушбу бог тўлиқ ҳосилга кирганда ва агротехника тадбирлари ўз вақтида сифатли амалга оширилганда бир гектаридан ўртача 60-70 тоннагача ҳосил олинади.

Ўқув-илмий тажриба ҳўжалигида қишлоқ ҳўжалигидаги энг долзарб бўлиб турган глобал иқлим ўзгаришларига мослашиш, айниқса, шўрланган ерларда экин етиштириш устида тадқиқотлар олий борилаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Айни пайтда Шўрланган ерларда биодехқончилик халқаро маркази (ICBA-International Center for Biosaline Agriculture) билан ҳамкорликда деградацияга учраган ерларда амарант ва киноа ўсимликларини етиштириш бўйича тажрибалар ўтказилмоқда. Киноа донининг бир килограмми жаҳон бозорига ўртача 2,1-2,3 долларни ташкил этиб, гектаридан камида 30 центнер дон ҳосили олинishiини инобатга олсак, бу екинлар қурғоқчилик ва иссиқликка чидамли бўлиб, озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда янги имкониятлар эшигини очиш турган гап.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МУЗЕЙИ

АВЛОДЛАР УЧУН МАЪНАВИЙ КОМПАС

Халқнинг ўзлигини англаувчи маънавий ва руҳий уйғунликни маданий идентитет деймиз. Ушбу маънавий туқима авлодлараро ўтиб келаётган анъаналар ва қадриятлар силсиласида намоён бўлади. Маданий ўзлик инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбида умумий хотира ва ифтихор туйғусини уйғотади.

Шу маънода, музейлар маданий идентитетни сақлаш ва ривожлантиришда бекиёс аҳамиятга эга. Чунки музейларнинг вазифаси фақат артефактлару экспонатларни кўрсатиш эмас. Улар йирик тадқиқот маркази сифатида тарихий контекстни қайта англатади, таълим тизими билан бирлашиб, ёш авлодга катта қўлдамдаги билимни тақдим этади. Жамоатчилик билан мулоқот олиб боради ва ҳамма учун очиқ платформа бўлиб беминнат хизмат қилади.

Мамлакатимиз мустақиллиги миллий ўз-лигимизни юзага чиқариб, эзгу сай-ҳара-

2017 йилдан кейин музейлар фаолияти-нинг ҳуқуқий асослари тамомла янгилан-ди. Бу галги истиқлол байрами ҳам яхши янгиликларга бой бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 август куни Ўзбекис-тон Миллий музейи қурилишига тамал тоши қўйди.

Музей Маданият ва санъатни ривожлан-тириш жамғармаси шафелигида Япониянинг “Tadao Ando Architect & Associates” архитек-тура бюроси ҳамда Германиянинг “Atelier Brückner” компанияси томонидан лойиха-



“Ташки қиёфаси айлана, тўртбурчак ва учбурчак шаклда бўлиб, Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида уйғунлаштиради. Мажмуа уч қаватли музей, икки қаватли ертўла ҳамда ёрдамчи бинолардан иборат. Хитойнинг “CSECE International Construction” компанияси томонидан қурилади.



катларга асос бўлиб келмоқда. Мустақиллик шарофати билан юртнинг асрлар давомида жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаси музей экспозицияларида ўзининг хо-лисона аксини топди.

лаштирилган. Унинг ташки қиёфаси айлана, тўртбурчак ва учбурчак шаклда бўлиб, Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида уйғунлаштира-ди. Мажмуа уч қаватли музей, икки қаватли ертўла ҳамда ёрдамчи бинолардан иборат.

Хитойнинг “CSECE International Construction” компанияси томонидан қурилади.

Пойтахтимизда ушбу музей қурилишига бағишланган маросимда Президентимиз бун-дай деди:

— Ҳамма соҳада ривожланиш билан бирга қадриятларимизни тиклашга ҳаракат қиляпмиз. Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий мажмуаси, Олимпия шаҳарча-си каби улкан иншоотлар қуриямиз. Бунинг замиридаги асосий мақсад шуки, бу бинолар халқимизга мулк бўлиб қолиши керак. Мана энди яна бир тарихий мажмуа — Ўзбекистон Миллий музейи қурилишини бошлаяпмиз. Бу музей уч минг йиллик бой тарихимизни одамларга, дунё ҳамжамиятига ва келажак авлодга етказадиган илм-маърифат ва мада-ният маскани бўлади.

Ҳозир биргина Тошкентдаги 30 та музей-да 1 миллиондан зиёд экспонат сақланади. Уларнинг 100 минги давлат санъат музейи-да бўлиб, шундан бор-йўғи 2400 таси намо-йишга қўйилган. Кўргазма заллари етарли бўлмаган сабабли 97 мингдан зиёд экспонат оморда сақланмоқда. Янги барпо этилади-ган мажмуа эса ушбу масаланинг ечими си-фатида мамлакатимизнинг жаҳон тарихи ва

тараққиётидаги ўрнини янада ёрқин кўрса-тади, қўп йиллар инсониятга хизмат қилади.

— Давлатимиз қадимдан шакланган му-зейлар тизимини янада такомиллаштириш, халқнинг маънавий-ахлоқий қамолотидаги ўрнини ошириш, халқимизнинг музей фонд-ларида сақланиб келаётган бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирув-чи ноёб, нодир экспонатларни асраш, ўр-ганиш, бойитиш бориш, музейларни замон талабларига мос, юқори малакали мутахас-сислар билан таъминлаш, жаҳон музейшу-нослиги тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда замонавий технологияларни қўллаш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бераётмиш, — дейди Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раҳбари Ғаянэ Умерова. — Маданият соҳаси олдин бу да-ражада қўллаб-қувватланмаган, унга буна-лик катта сармоя киритилмаган. Биз нимага эришган бўлсак, барчасига Президентимиз-нинг кучли қўллаб-қувватлови тўғрисида эришмоқдамиз. Давлатимиз раҳбари ҳақи-қатан ташкилотимизга, ундан ҳам кўпроқ салохиятли, креатив ёшларга ва маданиятга сармоя киритиш аслида келажакка сармоя эканига ишонади.

Ҳозир япониялик таниқли архитектор Тадао Андо билан ҳамкорликда Ўзбекистон Миллий музейи, Замонавий санъат маркази ва бошқа лойиҳаларни амалга оширмоқда-миз. Мақсадимиз битта — замон руҳига мос инфратузилмани келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириш. Биз ҳам мамлакатнинг қўп асрлардан буён ҳайрат ва ҳаяжон ўчоғи бўлган Регистон майдонидек янги маданий меросини яратмоқчимиз. Токи бу мероста қа-раган ҳар бир инсон ўзида икки туйғунни: аж-доллар иродаси ҳамда Ўзликка садоқатни ҳис этсин. Мерос тушуначаси мустаҳкам шиша ортидаги қадимий буюмдан каттароқ гоёни англашиси мумкинлигини уқсин. Маданий мерос бир халқнинг руҳи, изтироблари ва ор-зулари муҳасамми эканини тушунсин. Зеро, у кимлигимизни белгилайди, тарих олдидаги масъулиятимизни қайта ва қайта эслатишдан чарчамайди.

Бундай маҳобатли музей юртимиз тари-хда илк бор барпо этилмоқда. Умумий май-донни 40 минг квадрат метр бўлади. Кўргазма заллари, кутубхона, реставрация лаборато-риялари ҳамда экспонатларни сақлаш хона-ларида энг замонавий қулайликлар яратила-ди. Бу орқали ҳозир пойтахтимизнинг турли

музейларида тарқоқ жойлашган тарихий ашёлар, кўҳна ва замонавий санъат асарлари-ни яхлит кўриш мумкин.

Умуман, музейда бир вақтнинг ўзида 10 мингга яқин экспонатни намойиш қилиш имконияти яратилади. Бундан ташқари, 4000 квадрат метр майдонда конференция заллари, аудитория ва рестороанлар, болалар майдонча-лари жойлашади.

Музей ишга тушса, атрофидаги Абулқо-сим мадрасаси, Халқлар дўстлиги саройи ва Ўзбекистон Миллий боғи билан бир жойда яхлит меъморий композицияга айланади. Юртдошларимиз ва хорижий сайёҳлар таши-риф буюрадиган тематик туризм маскани бўлади. Келажакда дунёга машҳур Лувр, Метрополитан ва Британия музейлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилиб, ушбу музейга ноёб экспонатлар олиб келинади ва кўргазма-лар ташкил қилинади.

Ушбу музей эртага туризмдан тортиб, кичик бизнес, ҳунармандчиликка бўлган қатор соҳалар учун “катализатор” вазифа-сини ўташи мумкин. Бойси, бугун бизнесда кўп нарсa маданий тенденцияларга мослаш-моқда. Масалан, таниқли расомлар муайян ҳудудга жойлаша бошлагач, улар ортидан кафе-лар, рестороанлар очилади, у ерга янги одамлар гуруҳи келади ва маданият ўша ҳу-дудларнинг қадрини ошира бошлайди. Шу тариқа жентрификация жараёни бошланади.

Мисол қилиб Билбаодаги Гугтенхайм музейини келтириш мумкин. Машҳур архи-тектор Френк Гери биноси очилгандан сўнг кичик балқичилар шаҳри бутунлай ўзгарди: расомлар устаноналари очилди, ассистент-ларга, ҳунармандчилик маҳсулотларини иш-лаб чиқаришга, арт кафе-лар, студиялар, гале-реяларга талаб пайдо бўлди.

Бу маданият шаҳар қиёфасини тубдан ўз-гарттиришга қодирлигининг аjoyиб намуна-сидир. Худди шундай Тошкентдаги Миллий музей ҳам биттач, нафақат маданий туризм соҳасида, балки янги иш ўринларини яра-тишда ҳам трансформация манбаи бўлиши мумкин. Шундай қилиб, 2028 йилда очили-ши режалаштирилаётган маъмур маскан мам-лакатнинг янги маданий рамзига айланиши кутилмоқда.

Тадао Андо меъморчилиги минимализм ва ёруғлик билан уйғунлик фалсафасига асосла-нади. Янги бино нафақат кенг қўламли кўр-газма залларини, балки замонавий кутубхона ва “жамоат майдони”ни ҳам ўзида муҳасамм этади. Музей экспозициясини яратётган ол-мон дизайн студияси “Atelier Brückner” эса қадимий археологик топилавлардан тортиб, замонавий санъат намуналарига бўлган бой меросни жамлайди.

Миллий музей нафақат меъморий дурдо-на, балки халқро маданий мулоқот маркази сифатида ҳам қад ростлайди. У Ўзбекистон-нинг бой мероси ва ижодий салоҳиятини бутун дунёга очиб берадиган янги маданий кўприкка айланади.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

БАХТ – ИНТИЛГАННИКИ, ҒАЛАБА – КУРАШГАННИКИ!

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан Президентимиз йўллаган байрам табригини катта ҳаяжон билан тингладик. Ўтган йилларда эришилган натижалар, қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятлар сарҳисоби билан бирга келгусидаги истиқболли режалар маълум қилинди.

Халқимиз жаҳонга бўйламақда, бой тарихи ва маданияти, янги-янги зафар-лари билан дунё афкор оmmasининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Ўзбек-кистон ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий меъморий мажмуаси, Олимпия шаҳарчаси каби иншоотлар истиқлол сабаб халқимизга қайтари-лаётган мерос, Ўзбекнинг ўзлиги намоё-ни, шунингдек, тарих солномасида зар-ҳал ҳарфлар билан ёзилган санъат асарларидир.

Бундай хайрли ишларнинг давоми сифатида пойтахтимизда Ўзбекистон миллий музейи қурилишига асос солин-гани улкан воқеа бўлди. Музей тарҳида ўзбек халқи этнографияси, археология-си, санъати, адабиёти, қўйингики, мод-дий ва маънавий маданияти ўз аксини топади.

Бугун халқимиз ўзининг уч минг йил-лик бой тарихи ва маданиятини қайтадан идрок этмоқда. Ота-боболарини тани-моқда, бой меросини ўқиш, ўрганиш ва англаш имконига эга бўлмоқда. Юрти-миз заминидати Бириччи ва Иккинчи Ре-нессанс анъаналарини ривожлантириб, Учинчи Ренессанс сари дадил амалий қадамлар қўйилмоқда. Сўнгги йилларда илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳасидаги шароитлар, мислсиз имко-ниятлар бўлгуси уйғониш даври учун мустаҳкам замин вазифасини ўтаётми.

Қачонки халқ ўз тарихи, меросини чуқур англаса, ундан фахр ва ифтихор туйғуларини ҳис этса, катта мақсад-ларни амалга оширишга қодир бўлади. Миллатимиз ғурури, ор-номуси, аҳду шижоати, мардлиғи ва ватанпарварлиги акс этган халқ озғани ҳамму намуна-лари — дostonлар, лапарлар, мақом ва



Муносабат

миллий музикаларни чуқур ўрганиш, халқимизни миллий ғурур билан тў-йинтириш, маънавиятини юксалти-ришга эътибор қаратилмоқда. Асрлар давомида сақлаб келинаётган ғўзал анъаналар, умрбоқий қадриятларни халқимизга қайтариш ва барҳаётлигини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда Шахрисабзда мақом, Хоразм-да лағзи, Қўқонда ҳунармандчилик, Бухорода зардўзлик ва заргарлик, Бой-сунда бахшичилик фестиваллари анъа-навий ўтказилаётгани диққатга сазовор.

Ўзбек халқи бой моддий ва номод-дий маданий меросга эга. Бундай улкан маънавий салоҳиятдан унумли фой-даланиш, сайёҳликнинг этнотуризм,

гастротуризм, қишлоқ туризми, сафари туризм, зиёрат туризми, экстремал ту-ризм каби янги турларни ривожлан-тириш эвазига барқарор ва туганмас бойликка эга бўлиш, халқимизнинг иқтисодий ҳаётини яхшилаш, фаровон турмушини таъминлаш, шу билан бир-га, ўзбек миллий бренди орқали дунё сайёҳларини мамлакатимизга chorлаш, туризм chorрахаси сифатидаги ўрнини янада ошириш мумкин. Биргина мисол, Бухоро — Жаҳон ҳунармандлари шаҳри сифатида, шунингдек, ЮНЕСКОнинг иждокор шаҳарлари қаторида эътироф этилди. Жорий йил 5 сентябридан 20 ноябрга қадар Бухоро шаҳрида хал-қаро замонавий санъат биенналееси

ўтказилади. Президентимиз қарорига мувофиқ, маъмур биеннале икки йилда бир марта анъанавий ташкил этилади. Маъмур ташаббус ҳам қадимий шаҳар-ларимиз, бой маданиятимиз, амалий санъат намуналари орқали Ўзбекис-тонни дунёга янада танитиш, Марказий Осиёдаги илм-маърифат, санъат ва ту-ризм ҳабиға айлантиришга қаратилган.

Бугун дунё шиддат билан ривожла-ниб бормоқда, катта ўзгаришларга юз тутаяпти. Айни шундай паллада Ўзбек-кистон ҳам иқтисодий, ҳам илмий-маъ-рифий маконда мустаҳкам ўринга эга бўлиб бормоқда. Тўғри сисёт, оқилона дипломатия, яқин қўшничилик, дўстона муносабатлар мамлакатимизнинг таш-қи имижига янада яхшиланишига сабаб бўлаётми.

Давлатимиз раҳбари байрам таб-ригига навқирон авлодга мувожаат қилиб, жумладан, бундай деди: “Азиз фарзандларим, доимо ёдда тутинг: бахт — интилганники, ғалаба — ку-рашганики! Келажакни мардлар, тарихни ғойиблар яратади. Ҳамиша олдинга қараб интилинг, бақодир ўғлонларим, оқила қизларим! Сиз-ларнинг эзгу ишларингизда Ватан, халқ, Президент барчангизга ҳамиша ишончли таянч ва суянч бўлади”.

Бундай оташин ва меҳрили сўзлар аҳолининг 60 фойздан ортигини ташкил этадиган ёшларга чинакам руҳ, шижоат, куч ва жасорат бағишлаш шубҳасиз. Чунки уларнинг илм-маърифат марралари забт этиши учун давлатимизнинг ўзи ҳомийлик қилмоқда. Бинобарин, шонли тарихимиздаги ренессансларга ҳам адолатли ҳукмдорларнинг илм-фан-га ҳомийлиги, маърифатга ошнолиги, олимларга хайрихоҳлиги асосий замин бўлган. Бугун эзгу ниятлар ила қўйи-лаётган қўтлуғ қадамлар, таълимга, илмга берилмаган имтиёз, шароит ва имкониятлар Уйғониш даври тақдорла-нишига сабабчи бўлади, албатта.

Шавкат БОБОЖОНОВ,
Маданиятшунослик ва номодий маданий мерос илмий-тадқиқот институтини бўлим бошлиғи,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Сайдали ОДИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Улғайиб қамолотга интилаётган ҳар бир шахснинг кўнглида ўзи англаган ё англамаган ҳолда, Ватанига, миллатига, жонажон халқига муносиб фарзанд бўлишдек эзгу ният яшайди. Дарҳақиқат, бу ёруғ оламда ҳеч ким ёмон бўлишни истамайди.

ЮРТИНИ СЕВГАН АСЛО КАМ БЎЛМАЙДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллик байрами шодиёналари “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган бош ғоя асосида ўтказилди. Бунинг мазмунини жуда теран.

Бу шир беихтиёр ажодларимизни ёдга солади. Уларнинг юрт озодлиги йўлидаги фидойиликларини кўз олдимизда гавдалантиради. Айниқса, бу ўринда жадид боболаримизнинг ҳаёти ва сўзлари ибратлидир.

“Агар ҳаётимиз хурият ва халқ саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандлик билан қутиб оламиз”, деган эди маъри-фатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий. Ёки эшит-ганим — жадидлар жаллоди Тригулов ҳузуридаги сўроқда учрашиб қолган Абдулҳамид Чўлпон ва Ашу-рали Зоҳирийнинг суҳбатига эътибор беринг.

— Ашурали ака, — дейди Чўлпон, — тақдиримиз не бўлишини билмасмен. Аммо шуниси аёнки, биз бе-худа яшамадик. Ҳаётимиз, битикларимиз авлодларга татигулик йўлларни кўрсатар деган умиддаман.

Бу сўзлар уларнинг мустаҳкам эътиқодидан дало-лат, ўзлари учун таскин, яқинлари учун эса юпанч эди. Халқимиз тарихига назар солсак, унинг ҳар бир кунини ибратга тўла. Катта Фарғона канални қурилишда халқимиз намоён этган ҳаракат, куч-қудратни олайлик. Икки юз эллик километрдан зиёд бу улкан иншоотнинг оддий қўл кучи, кетмон ва замби билан бунёд этили-ши қайси эҳром қурилишдан кам?

Ёки Иккинчи жаҳон уруши йилларини эслайлик: олти миллионгина аҳолиси бўлган юртимиз ўз фар-зандларининг тўртдан бирини фронтга оборди. Улар-нинг қанчаси уруш қурбони бўлди, қанчаси қаҳрамон унвони билан қайтди! Ҳар икки ҳолатда ҳам юртдош-ларимиз шу Ватан учун, шу миллат учун, шу халқ учун жон олиб, жон бермадими?!

Юртимиз фарзандларининг бу каби жасоратини ҳижоа қилиш учун фавқулодда ҳолатлар бўлиши шарт эмас. Фарғонанинг Олтиариқ туманидаги бир вақтлар



“қарғиш теккан” дея таърифланган Энажар қумлогини “Нурли обод”га айлантирган Лола Муротованинг меҳ-нати афсоналарга, янги асарларга мавзу бўлди.

Яна ўша Фарғонанинг Қува туманидан чиққан Мас-турахон Сайфиддиновани олайлик. У ҳали ўсмирлик чоғидаёқ қирқ дугонасига бош-қош бўлиб, Қува адир-ларида анорзор барпо этишни ният қилди. Унинг нияти улкан боғларга, йирик хўжаликка айланди.

Ватан, миллат, халқ фарзанди Мастуранинг пар-вози баланд бўлди. Унинг сай-ҳаракати билан бутун Сурхон кенгликларига 5000 гектар, Сирдарё ва Жиззах чўлларида эса 400-500 гектарлар анорзорлар ташкил этилди. Бу меҳнат замирида ўша — “Ватан учун, мил-лат учун, халқ учун!” деган ғоя муҳасаммиги кундек аён.

Бу битиклар халқимизнинг ҳалос бўйдои фарзанд-лари фаолиятидан лавҳалар, холос. Бундай инсонлар жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшасида бор ва ҳатто улар жуда кўп. Чунки юртини севган киши асло кам бўлмайди. Халқини ардоқлаган давлат ободи, фаровон ва қудратли бўлади. Бунинг ёрқин мисоли се-вимли Ўзбекистонимиздир.

ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН
ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА
ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ
СКАНЕР ҚИЛИНГ.